


УМАРЖОН ИСМОИЛОВ

САЙЛАНМА



821.512.133
И 81

УМАРЖОН ИСМОИЛОВ

САЙЛАНМА

ШЕЪРЛАР

ПРОЗА

ДРАМАЛАР



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

И81
Ўз

Исмонлов У.

Сайланма: Шеърлар, проза, драмалар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—344 б.

Ўзбекистон адабиётида ўзига хос из қолдирган вакилларидаан бири Умаршоҳ Исмонловдир. У проза, поэзия жанрларидаги табиқари драматургияда ҳам баракали ижод қилди.

Кулингиздаги мазкур «Сайланма» да ижодкорнинг турли йилларда яратган шеър, ҳикоялари ҳамда утмиш ва ҳозирги ҳаётимиз актуал масалаларини ифодаловчи «Рустам», «Зафар», «Оби ҳаёт» каби драмалари киритилди.

Исмаилов У. Стихи, проза, драматические произведения.

И 4702570200—118—83
М352(04)—83

ҚАЙНОҚ ҲАЁТ АДИБИ

Бир зум 20-йиллар ҳаётини тасаввур қилинг: ҳаётнинг ҳам-ма жабҳалари бўйлаб қайта тиклаш, қайта яратиш, ҳам иқти-водда, ҳам маданиятда рўй бераётган янгиликлар... Революцион руҳнинг кўтаришги бир даври, ҳар бир қалб, янгиланиш, яратиш деб овоз бераётгандек. Бутун мамлакат бамисоли катта қурилиш майдони. Шоир, ёзувчи Умаржон Исмоиловнинг ёшлик чоғлари худди шу даврларга тўғри келди. Октябрь революцияси кунлари 11 яшар ўсирини бир печа йилдан кейин ўзини қайноқ ҳаётга уради. Ўша вақтларда Умаржон сафидаги ёшларнинг ҳаётга қадам қўйиши тарихи маълум: уларнинг қачон ўқиб — қачон иш бошлаганларини ҳам аниқлаш қийин. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқишар, ҳам ишлашар, тезкорлик билан ўзгараётган дунё сирларини амалият билан биргаликда эгаллай боришар, шу ерда ҳаёт ҳақидаги эски тасаввурлардан воз кечиб, ҳаётга ян-гича муносабат яратар эдилар. Умаржон Исмоиловнинг муста-қил ҳаётга қадам қўйиш йўллари ҳам худди шундай бўлди. Шу шароитда у шоир ва ёзувчи бўлиб шаклланди. «Менинг биринчи шеърим «Ҳамбағал деҳқон» 1925 йилда «Ёш ленинчи» газетасида босилди»,— деб эслайди Умаржон Исмоилов. Бошқача қилиб айтганда Умаржон Исмоилов Ойбек, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжонлар билан баробар адабиётга кириб келган. Умрининг охиригача Умаржон Исмоилов баддий ижод билан шуғулланди. Унинг шеърлари у яшаган давр сингари ранг-баранг — баъзан эса лирик кайфият, баъзан йирик-йирик воқеалар ўз аксини топади уларда. У ўз шеърлари билан социалистик қурилиш, қиш-док ҳўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши сингари ғаламшумул воқеалар шитирокчисл. Шу маънода Умаржон Исмои-лов шеърлари қурашги йиллар ҳаётининг жапговар ғояларини профдатович поэтик кўзгу сифатида намоён бўлади.

Умаржон Исмоилов ўзбек драматургиясининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Хусусан унинг «Пахта шумғиялари» (1930 йил) драматургиямиз ҳаётида сезиларли из қолдирди. Замона-вийлик, актуаллик, воқеаларнинг кескин драматик йўл билан ривожланиши ўша вақтларда бу асарга шухрат келтирди. Те-матик жиҳатдан «Пахта шумғияси» Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш масаласига бағишланган бўлиб, ўзбек халқининг бу ишга қўшган катта ҳиссасини улуғлайди. Бугина эмас. Асар ўзига ҳос маъжозий маънога ҳам эга. Драматург фақат пахта шумғияларига қарши эмас, балки жамият ҳаётидаги шумғияла-рига ҳам қарши. Мана шу конфликт туфайли Ҳамза номли Академик театри томошабинларида бу асар зўр қизиқиш уйғот-ди ва Ёрта Осид драматик асарлари ичда биринчи мукофот олинган сазовор бўлди. «Пахта шумғиялари» 1930 йилда «Мхат» саҳнасида ўзбек санъаткорлари томонидан курсатилиши ҳам бу асарнинг фазилатларидан дарак бериб турибди.

Умаржон Исмоиловнинг иккинчи драматик асари — «Рустам» ҳам томошабинларни кенг кўламда қизиқтирди. «Рустам» революция арафасида меҳнаткаш халқнинг синфий уйғониш жараёнини ифодаловчи ва миллий буржуазия кирдикорларини фопс қилувчи кескин конфликтли драматик асар сифатида маданиятимиз тарихида фахрли ўрин олди. Бу жиҳатдан Рустам тарихий драманинг биринчи намуналаридан бири сифатида кўзга ташланади.

Умаржон Исмоилов драмаларни тематик жиҳатдан, шунингдек шакл жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Унинг 1956 йилда ёзилган ва Муқимий театрида сахналаштирилган «Зафар» номли драмаси халқлар дўстлиги мавзусига бағишланиб музикали драма шаклида яратилди. Адибнинг «Оби-ҳаёт» драмаси эса мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётидаги энг актуал масалалардан бири — ер-сув проблемасини акс эттиради. Умаржон аканинг прозаик асарлари ҳам ўзига хос фазилатларга эгадир.

Умаржон Исмоилов умрини адабиётга бағишлаган зотлардан. У ўқиди, ўқитди, ўрганди, ўргатди, донм адабий ҳаётнинг қайноқ жойларида бўлди. Ўзбекистон ёзувчилар союзининг ташкил топишида ҳам Умаржон Исмоиловнинг хизматлари катта. У 1930 йилда Республика ёзувчиларининг биринчи съезди ЎЗАП — Ўзбекистон пролетар ёзувчилар уюшмаси тузилиши муносабати билан бу ижодий ташкилотнинг раҳбари вазифасига сайланди ва Ўзбекистон ёзувчилари яхлит иттифоқ бўлиб шаклланишини таъмин қилиш ишларида жонбозлик кўрсатди.

У. Исмоилов халқ ҳурматига сазовор бўлган адиблардан эди. У 1930 йилда Ўзбекистон ~~У. Исмоилов~~ Олий ~~Ў. Исмоилов~~ депутатлигига сайланган эди. 1976 йилда Ўзбекистон ~~У. Исмоилов~~ Олий ~~Ў. Исмоилов~~ президиуми Ўзбек совет адабиётини ривожлаштиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 70 йил тулиши муносабати билан У. Исмоиловга «Ўзбекистон ~~У. Исмоилов~~да» хизмат кўрсатган санъат арбоби» ушвони берилди. Умаржон Исмоилов Максим Горький билан учрашиб, Ўзбек адабиётини бу улуг зот билан боғлаганлардан бири. У А. Фадсев, А. Толстой, Серафимович, Д. Беднийлар билан ҳамкорлик қилди.

Умаржон Исмоилов қайноқ ҳаёт шоири, адиби, драматурги. У бизга ўша қайноқ ҳаётни акс эттирган мерос қолдирди. Ўша қайноқ мерос билан адабиётимиз тарихида донм яшайди.

МАТЕҲУБ ҚЎШЖОПОВ

ЎзССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси.

ШЕЪРЛАР

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЪЗИИ

(Шоҳимардон)

Салқин шамол!..

Бирдай ҳуриб эсар тоғнинг бошида.

Қизил байроқ елпиб турар бир сағана қошида.

Бу ўнгирлар ювилгандир халойиқнинг ёшида,

Улуғ нафас тўхтагандир шу сойликнинг тошида,

Ранги қизил, сўзи қизил, туғи қизил қаҳрамон

Тоғ бошида ҳалок бўлди навқиронлик ёшида.

Қўз олдимга келар доим телба, ваҳший бир тарих,

Бу тарихда шайхлар зоти кўринади кўп қабиҳ,

Кўринади фанатизм жоҳилона шамшири,

Кўринади мутаассиб, қаттол, мунофиқ қори,

Миллатчилар, муштумзўрлар, босмачилар, қонхўрлар,

Тўда-тўда ўлаётган жоҳил, аблаҳ, бадкорлар.

Тоғ бошида қонга ботиб ётар улуғ бир инсон,

Тоғ бошида шоир ётар, даҳшат сочиб қутлуқ қон,

Ўзалликни бунёд этган, зулматларга тиф отган,

Золимларга ўлкамизда шеъри билан ўқ отган.

Ётар тоғда бизга қараб мўътабар, азиз инсон,

Халқи куйлар шеърини, оҳанг қилар ҳар замон.

«Авлиёлар», эшон, мурид, шайхлар тамом йўқ бўлғай,

Бўстон каби бу ўлкада Ҳамза авлоди қолғай,

Қора чироқ, қора кучлар ўчар ернинг юзидан,

Чироқ ёнар Ильич юзин ёритиб шуъласидан,

Дардга тўлган қайноқ юрак давом ётар сўзини,

Баландликдан бизга қарар, олмас биздан кўзини.

Тоғ устидан қуёш билан ҳар кун кўринар шоир,

Ўйчан кўзи, қадам ташлар бизга қараб бир ўзи,

Тоғ бошидан шоир келар, шуъла каби ярқираб,

Шабадалар ҳилпиратар, қизил байроқ пирпираб,

Келар шоир бизга томон, юраклардан олган жой,

Боғу бўстон бўлар бир кун шоир ўлган катта сой.

Бу воҳада қад кўтарар иншоотлар бепоён,

Маорифга учоқ бўлғай, ўлкамизга ёрқин ой.
Келар Ҳамид Олимжонлар, келар Ғафур Ғуломлар,
Келар Уйғун, келар Яшин, келар бизнинг Ойбеклар.
Келар шоир, келар артист, келар арбоб, раҳбарлар,
Ҳисоб берар юртга қилган ишларидан бохабар.
Дорилфунун вакиллари қўяр бунда гулдаста,
Колхоз аҳли, илғор ишчи, пионерлар пайваста.
Кеча-кундуз зиёратгоҳ гавжум булар одамга,
Чароғонлар, хиёбонлар гуллар билан ораста.
Ҳамма, ҳамма, сағанангда гуллар билан бўлғай жам,
Фикри ёдинг қалбимизда,
Қабришда ёт хотиржам!

КЎЗЛАРИНГДАН БИЛАМАН

Кўзларингдан биламан:
Ёрим, мени севасан,
Нега энди, жонгинам,
Ёнгинамдан қочасан?
Қалбингдаги дардларни
Менга қачон очасан?
Нега, ёрим, қочасан,
Дардинг қачон очасан?
Севги ўти бағрингни
Қабоб қилиб қўймасин,
Сайилгоҳга ўтайлик,
Ёшлик даври ўтмасин.
Қўлларингни сўрайин,
Ўзга сўраб қўймасин,
Нега энди қочасан,
Дардинг қачон очасан?
Қўпдан бери мен сени,
Келасан деб кутаман,
Келсанг агар қўлингга
Жонимни ҳам тутаман,
Ойлар ўтди, йил ўтди,
Хаёлингни қучаман,
Нега, ёрим, қочасан,
Дардинг қачон очасан?

1932

ОЙЖАМОЛ

Сени излаб чиқдим узоқ сафарга,
Ќузи зилол, ўзи ҳилол, қамарга,
Келармикин, келмасмикин шаҳарга,
Адресини берган эди Ойжамол.

Сочларини яна бўяб қўймасин,
Лабларига қизил бўёқ сурмасин,
Мендан бошқа ҳеч кимга бўй эгмасин!
Борсам мени қўярмикин Ойжамол!

Хаёлида кеча-кундуз кезаман.
Фироқида юракларим эзаман,
Сувда-кўкда уни излаб сузаман,
Ёки қулоқ солмасмикин Ойжамол?

Севгим ўти қалбим уза ёпишган,
Юрагила юраккинам топишган,
Муродимиз мақсад бўлиб чопишган,
Бошим эгсам, куймасмикин Ойжамол.

Ширинсухан ваъдасини олганман,
Севгисидан бир оз тотиб қолганман,
Бир умрга юрагимга солганман,
Келармикин, келмасмикин Ойжамол?

1932

ҚОРА УЙ ШАМЧИРОҒИ

Наманганда Офтобхон номли бир қиз
очилиб, бир йилдан кейин яна паражжи
ёпинган. *(Газета хабарларидан.)*

Эй шўрлик бечора!..

Баҳор гулидек,
Очилдинг, на учун сўлмак истайсан?
Қоп-қора сочингни ҳар ён тўзғитиб,
На учун қайтадан қуллик излайсан?
Бош эгма!

Тиз чўкма!

Бўйсунма асло!
Ер ўпиш сен учун уят эмасми?
Дўстларинг, шу ёруғ кунлар турганда,
Ўзини зулматга отди, демасми?

Биламан!

Биламан!

Эй, адашган қиз!
Эскилик бағрига кириб қолгансан,
Айланиб, айланиб, парвона бўлиб,
Қайтадан ўзингни ўтга солгансан.

Энди сен ўзликдан узилган қизсан,
Бу янги йўллардан босилган изсан,
Чарақлаб очилган бахтли турмушдан
Кўз юмиб, йўқлиққа отилган юзсан.

Озодлик тахтини эплай олмадинг,
Қўлдаги эркингни ишга солмадинг,
Энди сен онангга боқиб турасан,
Қулликни бўйнингга тақиб турасан.

Орзулар, ҳаваслар бўлиб ўтарлар,
Бир эски куёвга сени тутарлар,
Ичкари ичида сарғайиб юзинг,
Бир сомон парчадай сўлиб битарлар.

Билиб қуй!

Бахтингни эскилик бермас,
Жаҳолат бундан сўнг улкада қолмас,
Саодат йўлларда, эски қўлларда,
Қуш каби талпиниб сенга боқолмас.
Эй шўрлик бечора баҳор гулидек —
Очилдинг, на учун сўлмак истайсан?..

1932

ПАРТИЯМ

Қалбимсан!

Бағримсан!

Улуғ Партиям!

Фикримсан, зикримсан, қутлуғ партиям,
Муродим, мақсадим, онгим, партиям,
Муқаддас тилагим, тоңгим, партиям.

Озодлик байроғин балаңд кутардим,
Зулматдан ёруғлик сари утолдим,
Кузларим очилди, ҳаққа етолдим,
Дўст билан душманни билдим, партиям.

Ҳаётим яшнади, мен бўлдим олим,
Жаҳолат қолмади, қолмади золим,
Курашлар ичида топдим камолим,
Раҳбарим,

йўлбошчим

ўзинг, партиям.

Синфлар курашин ўзинг ургатдинг,
Озодлик йўлини менга кўрсатдинг,
Адашсам, рост йўлга ўзинг кузатдинг,
Бошимда паноҳим сенсан, партиям.

Советлар даврида топдим эътибор,
Бошимда давлатим, қуёш барқарор,
Лениннинг йўлидан бизни элтиб бор,
Дунёда энг улуғ, қутлуғ партиям.

1935

ҚАЛДИРҒОЧ

Қалдирғочлар келибди,
Баҳор ғасли бўлибди,
Вақтичоқлик, ҳовлимиз
Қалдирғочга тўлибди.
Чий-чийлашиб ўйнашар,
Парвоз қилиб куйлашар,
Гуруҳ-гуруҳ қалдирғоч
Ўз тилида сўзлашар.
Гоҳ қарасанг осмонда,
Гоҳо учарлар томда,
Чарчашни билмайдилар
Қалдирғоч биз томонда.
Қийғос келиб шафтоли
Гулларига шох ташлар,
Ўрик гули, олуца —
Гилосларга қоқ ташлар.
Шабадалар эсмакда,
Гуллар ҳиди кезмакда,
Оппоқ, сариг, сапсаргул
Очилди ҳакка-дукка.
Шафтолининг шодаси,
Қиз болага сочпопук.
Лола билан чучмома,
Куёв-келинга тортиқ.
Пириллашар ҳаммаси,
Қалдирғочнинг шўх саси,
Ўйин тушар вақти чоқ,
Ҳовлида байрам ҳар чоқ.
Шилдирашиб сув оқар,
Қалдирғочга кўп ёқар,
Ана шундай чоқларда
Севгилар қанот қоқар.

БОЛЬШЕВИК СЌЗИ

Большевикнинг
сўзи
қатъий сўз,
Темирдан ҳам
пишиқ, мустаҳкам.
Фарқи йўқдир
унинг
ишининг
Одатдаги айтган сўзидан
Шу сўз билан
инсон ўрганар
Жамиятнинг
бутун тарихин,
Шу сўз билан талқин қилади
Коинотнинг
буткул
таърифин.
Шу сўз билан тушунар инсон
Маърифатнинг
бутун йўлини.
Шу сўз билан
аниқлар инсон
Фалокатнинг
ўнгу сўлини,
Ҳақиқатдан
ўсар
маънолар
Табиатга
тикиб кўзини,
Тўғри кўрар, тўғри тушунар,
Мазмунларнинг худди ўзини.
Шу сўз билан
дўстни ажратар,
Душманларни билар
бирпасда.

Олим булар
 ва ғозил булар,
Жовонига тутар
 гулдаста
Большевикнинг сузи
 қатъий суз,
Юлдузлардай
 равшан, ибратли.
Метин каби
 пишиқ,
 мустаҳкам,
Қуёш каби юксак, қудратли.

1936

ОТАЛАРГА

Қадрдоним! Отам, муътабар,
Улуғ инсон, сенга ташаккур,
Фарзандим деб,
Жигарбандим деб,
Ҳаётигда кўрмадинг ҳузур.

Фикру зикринг мен бўлдим доим,
Лямадинг мурувватингни,
Одам бўлсин, юртга тўлсин деб,
Сарф айладинг куч-қувватингни,
Илм бердинг, ақлга ақл —
Қўшдинг тинмай, бутун бир умр,
Қоқилсаму йиқилсам агар,
Йўлга солдинг, дединг, «Ўғлим, тур!»

Доим кўзинг бўлди мен билан,
Кузатмаган кунинг қолмади,
Хато қилсам, агар адашсам,
Тузатмаган кунинг қолмади.

Ё ажабо!

Оталик бурчи —

Шунча бўлса, фарзанд на қилсин?!

Қани айтинг, ота қарзини
Фарзанд қандай қилиб бажарсин?
Отам!

Отам! Эй бузруквор,
Ғуборингни кўзга суртсам оз,
Хизматингни қилсам бир умр
Менинг қалбим бўлгай сарафроз.

1939


ҚОШИНГ ҚАРОЛИҒИДАН

Қошинг қаролиғидан
Бахтим қаро эмасми?
Бағрим яролиғидан
Кайфинг саро эмасми?
Тун кечалар йўлингда,
Ўтди умрим кўйингда,
Жоним сенинг қўлингда,
Касбинг жафо эмасми?

Кўзларингни сузибсан,
Юрагимни эзибсан,
Бағримга ўт қўйибсан,
Жисмим яро эмасми?
Оқ юзингга мен фидо,
Боқмай қўйсанг мен адо,
Парвосизлик, жонгинам,
Жонга жазо эмасми?

Ишқимни айлай изҳор,
Раҳм айлагил, гузал ёр —
Тортган азобларим бор,
Озор ҳазор эмасми?
Ошиқ Умар йўлингда,
Жоним сенинг қўлингда,
Ўлиб кетсам йўлингда,
Жоним увол эмасми?

1940



РУСЬ

Инқилоб бешиги,
Оламшумул Русь.
Меҳнаткаш, мураббий,
Қўллари гул Русь,
Лепиндай инсонни бунёд этган Русь,
Ерни ҳам осмонни обод этган Русь.

Рус халқи мазлумга бўлди раҳнамо,
Хотин-қиз авлоди кўрдилар само,
Партия йўлини айлади бажо,
Қашшоқни муътабар этди улуғ Русь.

Рус халқи элларга дўсту ёр келди,
Миллатлар хор эди, у сардор келди,
Меҳнаткаш юртига бир мадор келди,
Халқларга тенг ҳуқуқ берди улуғ Русь.

Ўлкалар яшнади, бўлди чаманзор.
Ўқишлоқлар шаҳару, шаҳарлар гулзор,
Халқларни ўқитиб, бермасдан озор,
Бошини силади одамижон Русь.

1941

* * *

Тегди бирдан бир уқ зарбаси,
Паром майиб булди кўп ёмон,
Дарё уни тортар гирдобга,
Сузмоққа бор на ҳол, на дармон.
Аҳвол огир —

Паром ғарқ бўлар,
Балки шерлар қолар дарёда,
Қани айтинг, ким шундай ҳолда,
Қутқаради шерларни содда?
Камол, Камол! Дарё полвони,
Таъсир қилар на уқ, на совуқ.
Туғилибди бу эрнинг жоши,
Дарёларнинг жонига ёвуқ.
Юлқипади сувнинг тўлқини,
Телба каби варақ-варақлаб.
Ҳайҳот!..

Паром дарё остига
Оз бўлмаса кетарди қараб.
Ботир Камол тушди дарёга,
Босди узин бутун гавдасин,
Варақ-варақ сув ҳам тўхтади,
Кўкрак тўсса, дарё на қилсин?!

Камол исми, Жамол лақаби,
Исми унинг гузал жисмидай,
Таърифига қалам қўзғатдим,
Достонимнинг минг бир қисмидай.

Шундай, одам туғилар бир бор,
Улар кетар зим-зиё бўлиб,
Инсон борки, туғилар бир бор,
Ўлмас, қолар оламга тўлиб.

1943, Москва

ДАРЁ ПАҲЛАВОНИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ўзбек ўғли
Камол Жалолов, замбарак ўқлари ва
миналар тушиб турганига қарамай, ўз
паромида Днепрнинг у қирғоғидан бу
қирғоғига 38 марта қатнаб, минглаб
жангчиларни олиб ўтди.

(Газета хабарларидан)

Днепрнинг кенг қучоғидан,
Булут чиқар карвон бўлиб.
Қора кўрпа солинган каби,
Дарё ётар туманга тўлиб.
Оқар дарё, ғазаби билан
Қирғоқларга урар ўзини,
Тинмас душман қопли кўз билан
Қузатади дарё юзини.

Олиб ўтар Камол пайдарпай
Минг-мингларча ботир эрларни,
Олиб ўтар Камол тўхтамай
Ўзи каби подир шерларни,
Тўлиб ўтар Камол пароми,
Шерлар билан, йўлбарслар билан,
Кетган сари душман ороми,
Тенг бўлади қора ер билан.
Ўқ ёғилар бамисоли дўл,
Миналардан чақмоқ чақилар,
Хатто тўплар ботир йўлига
Ўқтин-ўқтин келиб қоқилар.

Паром ўтар ўз йўли билан,
Совуқ эсар унинг устида,
Таъсир қилмас на ўқ, на совуқ,
Зафар қолар шерлар дастида.
Душман ёвуз, чидаш беролмас,
Ўқ ёғдирар гўё жаладай,
Тўп ўқлари портлар атрофда,
Қўк юзидан тушган балодай.

1944

БАТАН

Гўзалларнинг гўзалисан, диёрим Батан,
Їайда бўлсам шу ердасан, хаёлим Батан,
Фигру зикрим, авлодларим, аждодим Батан,
Орзу-умид, тилак, армон, мадорим Батан.

Боғларингда ҳузур билан ҳаловат ўсар,
Хирмон-хирмон «оқ олтин»лар тоғдай бўй чўзар,
О, нақадар хиёбонлар сарапжом, басар,
Ойдин кеча ўн тўрт кунлик жамолинг Батан.

Қад кўтарган ошиёнлар тоғлардан ўзган,
Ўғлонларинг парвоз қилиб, денгизда сузган,
Қизларингнинг хонишлари дунёни кезган,
Сапъатда ҳам маълум, машҳур, ҳурматим Батан.

Муסיқалар қушлар билан бирдек хонишкор,
Ошиқларинг маъшуқаси йўлида абгор,
Одамлари шоир, ғамхўр, дарддан халоскор,
Беруний ва Навоий — куч-қувватим Батан.

Тўрт фаслда мавжлар отар тўрт минг фазилат,
Гулларининг рухсораси покиза хилқат,
Бундай сўлим, бундай тулин юртимда фақат
Ота-онам, ўтган авлод-аждодим Батан.

1950

ГУЛ ДИЁР НАШИДАСИ

Бойчечак, бинафша, сапсар, чучмома
Қизларнинг бошига бўлмишлар жома,
Қуёшдек ястанмиш лолақизғалдоқ
Ер юзи чаманзор, бўстондир бу чоқ.
Дарахтлар гул билан тулиб-тошгандир,
Пушти ранг шафтоли ҳаддан ошгандир,
Олуча шохлари, маржон-маржон оқ,
Гилослар дур каби сочилмиш бодроқ.

Дарахтлар шохида нозик япроқлар,
Тортишиб ўйнашар шитирлаб шохлар,
Шабада кўзгалар толлар шохидан,
Тоғлардан,
Тошлардан,
Қўллар қошидан.

Баргларда кўринар, оппоқ чойшаб нур,
Мевалар очилиб бўлди садаф дур,
Тамоми оламни босди чамаи гул,
Гуллардан сочилди муаттар сунбул.
Гул билан ўралган тамом бу диёр,
Бу менинг диёрим гул билан зиё.

1950

БУЛБУЛГА

Тонг отгунча қиласан фарёду фиғон,
Сенга қулоқ осадн, замин ва замон.
Ё ажабо!
Бу жажжи нозик қалбингга —
Қандай сиғар шу қадар беноён туфон?

Сен куйлаган чоғингда бутун жонивор,
Қулоқ солар, гўёки ҳайратда қолиб.
Богларда ҳам тоғларда, қишлоқ жойларда,
Одам ўғли тонг қолар, ҳушидан толиб.

Гуллар тинглаб овозинг, очилар шу он,
Ғунча ҳатто уялиб кулади шодмон.
Сенга эгар бошини парранда тамом —
Чаманзорлар, бўстонлар, гузал хиёбон.

Муסיқалар сен билан бўлолмас тенгдош,
Сайроқи жўр, тўтилар беролмас бардош,
Ўзинг ягона дурсан бутун дунёда,
Донг қозонган санъаткор, танҳо суққабош.

Айт-чи, кимдир сен билан баробар ҳариф?
Ер юзида ким сенга бас келар ажиб?
Маҳоратинг беноён, тонг қолар инсон —
Ҳеч ким туғри келолмас, тафаккур ҳайрон.

1950

ЎЙНАҒИЛ

Даври давраи келди, ёрим,
 Ўйнағил ёр, ўйнағил.
Базми оро беғуборим, ўйнағил ёр, ўйнағил.
Сочларингни силкитиб, чеҳрангни элдан беркитиб,
Мен сари ноз-ишва бирла —
 ўйнағил ёр, ўйнағил.
Қошларинг қоқсин қанот, мужгонларингни
 менга от,
Лабларингнинг жилвасин —
 Ҳеч кўрмасин бегона, ёт,
Ишқи дардинг мен учун,
 Доим ҳаёт, ҳар дам мамот,
Дунёда сен кўрганим, зот,
 Ўйнағил ёр, ўйнағил.
Гулжамол, жоним олиб,
 Жонингни бер бўстон аро,
Ўтга сол, зиндонга сол,
 Кечсам агар бахтим қаро.
Санъатингни кўргали,
 Келдим Умар бўстон аро,
Бу чаманзорда чарақлаб,
 Ўйнағил ёр, ўйнағил.

1940

НАВРҰЗ

Ұйнамоқ кулмоқ керак, келганда наврұз байрами,
Боғ аро юрмоқ керак, тұлганда наврұз байрами,
Лолалар термоқ керак, ошиқлара тутмоқ керак,
Гаштини сурмоқ керак, келганда наврұз байрами.

Майсалар бошин кұтарди, лолалар ёзди қанот,
Ер юзи бұстонга айланди, сочилди офтоб,
Ложувард осмонда қушлар, ұйнашар бұйлаб ҳаёт,
Ёсдилар гуллар ҳиди, келганда наврұз байрами.

Ён тушиб олди гунафша, кўзлари зумрад нигоҳ
Ётмасанг кўм-кўк кўкатлар узра албатта гуноҳ.
Ишқ ути лава олар, ошиқлар айлар оҳ-воҳ!
Ёш-яланглар куйлашар, келганда наврұз байрами.

Шилдираб оқмоқда сувлар, меҳнат аҳлин кўзғатиб,
Ёғди ёмғир авж ила, ерларда чангни тўзғатиб,
Толчучук бўлди жавак қизларга маржонлар тақиб.
Лолақизғалдоқ кулар, келганда наврұз байрами.

Келди наврұз байрами, кутмоқда бизлардан жавоб,
Боғу бұстонлар аро, ёнсин қўшиқ, пишсин кабоб,
Хаста диллар қиш бўйи, албатта бўлгандир хуноб,
Ұйнамоқ, кулмоқ керак, келганда наврұз байрами.

1950

МУЗИКА

Музика, музика юрак шонаси,
Музика севгининг оҳу ноласи,
Ишқ ути қулф уриб лова кўтарса,
Қўзғалар юракдан куй шалоласи.

1952

ЛЕНИН

Лениннинг асридир, муқаддас аср,
Муаззам, мукаммал, муборак замон.
Лениннинг даҳоси яратган қаср,
Даврдан даврга ўтар бегумон.
Искандар Зулқарнайн келди шох осиб,
Муҳаммад исломнинг туғин қурди оқ:
Қуръон деб,
Таврот деб,
Инжил, Забур деб,
Айюҳаннос солдилар, кўрсатиб яроқ.

Асрлар қатнади сарсон-саргардон,
Арофот тоғида кезди беомон,—
Зулмдан, ваҳшатдан кўтариб ғиёрон —
Риёкор қўлларда халқ бўлди яксон.

Халқларни сурдилар таназзул томон,
Ўйдилар кўзларин, бошин олдилар.
Хотин-қиз авлоди хўрланди ёмон
Дилларга, элларга қирғин солдилар.

Инқилоб бонг урди, ярқ этди қуёш,
Шуълалар таратди у нурли чароғ.
Мазлумлар бир умр бўлдилар йўлдош,
Ўзига ром этди Москва байроқ!

1955

ЛОЛА

*(Бу шеърни Юлдузхон, Лолахон ва Нодирахон
набираларимга бағишлайман)*

Нақадар чиройли саҳро бекаси!
Шамолга шох ташлар, тинмай нафаси.
Ложувард осмонда юлдузлар, аммо —
Ер узра мавж урар лолалар акси.

Чехраси лоланинг кашф этмиш эртақ,
Ошиқлар дардига малҳам бу чечак,
Тонг отиш олдида тухтамай бирдак,
Ювади шабнамлар, очилар куртак.

Шунданми, лоланинг ранги мусаффо,
Қуёшдан нур эмган, кўрмаган жафо,
Бир нурки, қуёшни учратган бедор,
Бир дона лолада қанча ифтихор!

Офтобда барқ урган гўзал маҳлиқо,
Шамол ҳам, ёмғир ҳам қуёш-ла танҳо,—
Қолғуси ҳар баҳор излаб чиққанда,
Биринчи учратган тонғуси вафо.

Лолани табиат яратмиш илк бор,
Шунинг-чун ошиқлар қидирар дийдор,
Табиат яратиб гўзаллик рамзин,
Ана шу лолага бермиш эътибор.

Тонг саҳар қуёшнинг илиқ шуъласи,
Илк марта тушади лола наҳрига,
Булбулнинг иффати, бокира саси,
Саҳарда киради лола бағрига.

1955

ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШИДА

(Қизим Дилдорхонга)

Ўн тўққизга кирдинг —

Менинг кўз нурим.

Жигарим, бағрим сеп,

фаҳрим, ғурурим.

Эллик бешдан ошдим, олтмишга кетдим,

Суянчигим сенсан, сенсан сурурим.

Ўлғайиб албатта одам бўлғайсан,

Қизгинам, бир куни олим бўлғайсан,

Бўлмағил беқарор, бўлғил барқарор,

Бахтиёр бўл, қизим, нурга тўлғайсан.

Ўрмат қил онангни, отангни ўйла,

Ўрмат қил бобонгни, момонгни ўйла,

Турмушда сен ўртоқ қиласан албат,

Ўзим шу, сен унинг ўрматын сақла.

Чунки у, бир умр ҳаёт йўлдошинг,

Чунки у, умидинг ва тилакдошинг,

Чунки у, истиқбол, авлоду аждод,

Кўз очиб кўрганнинг, топган қардошинг.

Сен бугун ўн тўққиз ёшга кирасан,

Мен эса ёшликни сенга бераман,

Энди сен бағримга гулдек тўласан,

Мен бўлса йўлингда чироқ бўламан.

Бундан сўнг ҳаётинг ой каби аниқ,

У сенинг соф кўнглинг, нур каби тиниқ.

Умидим, тилагим, арзим, жон қизим,

Қалбингни тоза тут, ойнадай тиниқ.

Ўн тўққиз ёшингда қадаҳ кўтардик,

Бу ерда бобонг бор, отанг бор, қизим.

Сен учун жонимни қурбон қиламан,

Одам бўл, инсон бўл, шудир тилагим.

1955

БАҲОР

Чексиз дала
ювиб-таралган,
ун тўрт кунлик
ойдек мусаффо.

Қушлар уйнар
баҳор елидай,
на осмонда,
на ерда ғубор.

Қўз илғамас
ерлар китоби,
варағ-варағ,
очилар ҳамон.

Пайкал аро тинмасдан бу он
Тракторни ҳайдар қаҳрамон.
Сатрларда
хатлар
кўкарсин.

Униб-ўссин
мазмун беҳисоб.

Она Ватан
улуғ кунларда
ўз ўглига
қилади хитоб...

Шоналари тўлсин
олтинга,
Ўлкам бағри бўлсин
мунаввар.

Бу йил ҳосил бўлади деган —
Баҳор билан келди хушхабар,
Тонг ёришди,
осмон шишадай.

Ўйин тушар
ерда қизғалдоқ.

Баҳор олиб
келган наштаани

Териб олинг
 қучоқ ва қучоқ.
Баҳор чоғи,
 бахтлар қучоғи
 очиқбди меҳнат элига.
Қани дустлар!
 Пайтғи бермайлик!
 Қани кетдик
 хизматга шу чоқ!

Қорасув, 1960

МОСКВА

Москва, Москва, Советлар қалби,
Шу ердан тарқалар Иттифоққа жон,
Шу қалбдан ҳарорат,
 шу қалбдан роҳат,
Шу қалбдан томирлар олар иссиқ қон.

Москва улугвор, бепоён шаҳар,
Москва донғиси билади олам,
Шу ердан дунёга дўстлик тарқалар,
Тинчликнинг нурлари сочилар ҳар дам.

Москва олимлар маскани фақат,
Шу ердан авж олар тараққиёт, нур,
Марксдан, Лениндан ёзиб олиб хат,
Ўлкалар, қитъалар бўлмоқдалар ҳур.

Москва бунёдкор, Москва меъмор,
Москва, Москва муаззам чунон.
Советлар авлоди ва Москва бор,
Унади, ўсади, гуллайди жаҳон.

1960

ГАГАРИНГА ТАБРИК

Салом сенга, Юрий Гагарин,
Косинотнинг машъал чироғи,
Афсонани ҳақиқат қилдинг,
Космос аро осдинг байроқни.

Давримизнинг улуг раҳбари —
Партиянинг кўз нури бўлдинг,
Ватанимнинг,
Совет халқининг,
Қаҳрамони, ғурури бўлдинг.

Салом қилар олимлар сенга,
Бутун дунё сени олқишлар,
Шоирлар ҳам сени ардоқлаб,
Сенга севги, меҳр бағишлар.

Номинг энди афсоналарда,
Достон бўлар асрма-аср,
Юлдузларга шабихун урган,
Қаҳрамонга қурашлар қаср.

Ҳайкал қураш совет авлоди,
Чаманзорлар утар номингга,
Минбарлардан гўзал қизлар ҳам,
Гуллар сочар сенинг пойингга.

Тараққиёт орзуларини,
Рўёб қилган Юрий Гагарин,
Сен туғилган авлодга раҳмат!
Ер юзида дерлар, офарин!
Космос даврин ўзинг бошладинг,
Космонавтлар сенинг авлодинг,
Тарих энди янги тил билан
Китоб ёзар ардоқлаб ёдинг.

1961

САНЪАТИМ

(Муқаррамаҳонга)

Ўзбекистон гулларидек
Ранг-барангдир санъатим,
Танбуру чирмандаси,
Доим тарангдир санъатим!
Хонишу наволари
Оҳанрабодир санъатим.
Рақсу раққоса учар, нурдек хиромон —
санъатим.

Қизлари гуё қуёш,
Чақнар жамоли шуъладош,
Кўкда куйлар, ерда ўйнар,
Офатихонлар талош.
Саҳнада ҳур айланар —
Ўлдиради ҳар бир қарош,
Дилрабо куйлар билан
Тўлган бу жонон санъатим.

Ер юзи чалди чапак,
Гуллар билан тўлди қучоқ.
Санъатимнинг доврўғи,
Босди жаҳонларни бу чоқ,
Ҳар қадамда сочдилар,
Олтин билан гулдан сочоқ.
Ер юзида қуш бўлиб,
Ўйнар беармон санъатим.

1965

ҒАФУР ҒУЛОМ САҒАНАСИДА

Нақадар бепоён осуда кўнгил!
Нақадар беомон, ғамга тулган дил!
Нақадар изтироб чекар юраклар,
Умрлар ўтмоқда, дилга сиғмас қил.
Туғилмоқ, ўлмоқлик — ҳаёт қонуни,
Ўлимнинг бўғзидан тутмоқлик қийин.
Ваҳшатлар ичида даҳшат бўлса ҳам,
Ғафурнинг ҳижрони даҳшатдан қийин.
Қабристон!..

Жимгина ётар бир одам,
Бир умр уйқуда, ана шу мамот.
Наҳотки бир қушнинг чирқиллашидай
Ёнингдан ўтса-ю, кетса бу ҳаёт?..
Саф тортмиш бу ерда катта ва кичик,
Ғамгузор, беозор, соф кўнгил дўстлар,
Гуёки саф тортиб эъзоз қилурлар,
Сокин сағанага тикилиб улар.

Мен ўтиб бораман, кўзда жиққа ёш,
Ғафурни қидириб, Ғафурни излаб,
Қабрида ётибди тошга қўйиб бош,
Аҳволин сўрайман, ахир биз сирдош.
Шу онда қулоққа кирар бир овоз,
Гуёки қабридан қўзғалар устоз,
Бу овоз гулдурад қаҳқаҳа билан,
Бу фақат Ғафурга оид бир овоз.

Шер босган изини такрор қайтарар,
Ғафурнинг қабридан келар айҳаннос,
Жисмонан у одам ўлган бўлса ҳам,
Маънавий ҳаёти кўтармоқда бош.
У дейди: мен энди ҳаёт кезаман,
Осмонда, ерда ҳам ўзим сузаман.
Мен энди дарёлар, денгизлар бўйлаб,
Шеъримдан оламга бўстон тузаман.

ОТАХОН ОЛИМ

(Ҳори Ниёзийнинг 70 ёшга қадам қўйишлари муносабати)

Шу бугун мақтансам, ҳамма ҳам рози
Қалбимдан қўзғалар шеър овози,
Муътабар олимнинг етмиш йиллиги,
Ассалом!

Офарин!
Ҳори Ниёзий!

Ўзбекнинг отахон олими сенсан,
Фозили, комили, ҳозири сенсан,
Жаҳолат ичидан халқни кўтариб,
Илмга бошладинг Ҳори Ниёзий.

Дилларга дил қўшиб жамулжам қилсак,
Йилларга йил қўшиб умрбанд қилсак,
Фанларга фан қўшиб агар жам қилсак,
Ҳосили бўлади Ҳори Ниёзий.

Большевик ғурури, халқнинг сурури,
Оташин кўнларнинг чақнаган нури,
Лениндан, Маркедан топди ҳузурин
Олимлар олими Ҳори Ниёзий.

Халқларнинг тилидан минг-минг ҳасанот,
Давлатим, Ватаним улуғлаган зот,
Сен тутган бу байроқ билим байроғи,
Умрингга қўшилсин умр баракот.

Шу бугун мақтансам, ҳамма ҳам рози,
Қалбимдан қўзғалар шеър овози,
Муътабар олимнинг байрами букун,
Минг яша!

Офарин!
Ҳори Ниёзий!

ПАХТА ТЕР

Пахтакорим, ғамгузорим, пахта тер!
Шоҳимардон паҳлавоним, пахта тер,
Турсуной, Улхон суворим, пахта тер,
Кекса шоир илтимосим, пахта тер,
Ўтмасин қимматли онинг, пахта тер.

Бу гулистон Ўзбекистон, пахтадан,
Қишлари соз, ёзи бўстон пахтадан,
Бу латофат, бу камолот пахтадан,
Жонгинанг олғай ҳарорат пахтадан,
Тухтамасдан, бахтиёрим, пахта тер.

Маърифат майдонида меҳнатталаб,
Қаҳрамонлар тушдилар юлдуз санаб,
Ошёнлар ичра сен қолма қараб,
Кетмасин гавҳарларингни қор ялаб,
Дур каби тўлган диёринг, пахта тер.

Кўзларингга нур керак бўлса агар,
Қиш босиб қон бўлмасин десанг жигар,
Шунча бойликни қилайлик тез басар,
Фабрика ишчилари илҳақ магар,
Ташла ўзни, дастёрим, пахта тер.

Ёш йигитлар, тоғни талқон қилғали,
Элда илғор, ёрга дилдор бўлғали,
Шу улуғ кунларда ойдек тўлғали,
Боғу бўстон сарвизорлар қургали,
Ёри дўстим, ифтихорим, пахта тер.

Йил оғир, кунлар оғир, тунлар оғир,
Бонг чалиб халқни ҳашаргоҳга чақир.
Осмон ранги хунук, гўё чағир,
Ҳадемай осмон булар кўчган пақир,
Қолмасин тупроқда нонинг, пахта тер.

1970

ЛЕНИН МУЗЕИИ

Шаҳримизда бир уй қурилди,
Бир уй эмас, бир кўй қурилди,
Ленин номи бирла аталган,
Шуъласимон музей қурилди.

Мармарлардан қурилган сарой,
Бош кўтарган мустаҳкам қоя,
Ўзбек эли бир умр ҳормай,
Ушбу уйдан олар нур-ғоя,

Бир ғояки, осмондай баланд,
Космос каби юксак, бепоён,
Борлиқ каби чексиз заковат —
Шу даргоҳда топғуси баён.

Бунда Ленин Маркс-ла ҳамдам,
Маркс ундан минг бора хурсанд,
Марксизм ва ленинизм —
Фанлар ичра энг асосий фан.

Эскиликни тузатар Ленин,
Янгиликни кузатар Ленин,
Ижтимоий ҳаёт бағрига —
Меҳнат элин кузатар Ленин.

Шаҳримизда бир уй қурилди,
Бир уй эмас, бир кўй қурилди,
Ленин номи билан аталган,
Қуёш каби музей қурилди.

1970

АЁЛЛАР

*(Олималардан М. Охунова, Р. Аминова ва қизим
Дилдорхонларга атаганим)*

Хотин-қизлар!
Эй, улуғ авлод!
Сизга салом, сизга тасанно,
Комиласиз, волидамизсиз —
Олимасиз, рафиқа, барно.

Дейдиларки, эрлар қудратли,
Эрларда бор беҳад ирода.
Аёлларсиз эркак авлоди
Назоратсиз гудакдай содда.

Сайқалларнинг сайқали аёл,
Чаманзорнинг пайкари аёл,
Шарқда, ғарбда, шимол, жанубда
Ўзалликнинг ҳайкали аёл,

Элладанинг раққосаси у,
Ой худоси шудир Диана!
Юсуф каби чирой тангриси
Зулайхога банд бўлди яна...

Аёлларга минг-минг ташаккур,
Эркакларнинг номидан узр,
Осмонда ой, ерда аёллар —
Борлиғига минг бора шукур.

1971

БАЙРАМ

Байрам бўлар, баҳор байрами,
Қизғалдоқлар очилар у чоқ.
Ёш-яланглар қувончга тулиб,
Гул терарлар қучоқ ва қучоқ.

Байрам бўлар, зафар байрами,
Дустлар кулар, душман хору зор,
Жондай халқим саҳардан бошлаб,
Оқшомгача айтар ёр-ёр.

Лекин бордир булар ичида,
Бир байрамки, ажойиб байрам,
Таърифини тамом қилолмас,
Ёзган билан қўлдаги қалам.

Чунки унинг чуқур мазмуни,
Бепоендир, беҳад, беҳисоб,
Номининг пахта байрами,
Оқ олтинлар бўлар тоғу тоғ.

Дийдалардан қочар уйқулар
Диллар урар одатдан тезроқ.
Тонг отмасдан менинг авлодим,
Ўйин қурар хурсанд, вақти чоқ.

1975

* * *

Дарё эдинг, оқиб кетдинг сен,
Мамлакатга боқиб кетдинг сен,
Атрофнингни чаманзор айлаб,
Дучоғингни очиб кетдинг сен...

ПРОЗА

ГУЛАСАЛ

(Ҳикоя)

Бой ичкарига кирганда, бойнинг кенжа хотини пашшахонада кўрпа солаётган эди... Чироқ шуъласида унинг узун сочлари кўрпада судралиб, гўё сув парисини эслатарди.

Бой остонада тўхтаб томоша қилди. Лекин унинг қатта кўзларига ташланган нарсаси, бу чўғор хотиннинг латофати, кўҳлик жуссаси ва қадди-қомати эмас, балки Гуласал томонидан бажарилган ғавқулдда ажойиб бир воқеа эди...

Бой шийпонга чиқиши билан Гуласал унинг оёқларини ювиб, мис тоғорани ярақлатганича ҳовлига сув сочи, бой кўрпасига ястаниб хаёл суриб кетди.

* * *

— Наҳотки мен шу аёлдан ожиз ва продасиз бўлсам?.. Йўқ! Йўқ!.. Шернинг ўлиги, сичқоннинг тириги, ҳар бир ишнинг ўз сабаби ва ўз хусусияти бор...

Бой чарос узумдай кўк юзидаги ғуж-ғуж юлдузларга тикилиб, ёнида ётган «сув париси»га илтифот кўрсатмади.

Ойдин кечада оқ чойшабларга ястаниб бу соҳибжамол, юмалоқ ва семиз бойнинг ёпида, гўё қопга тўлдирилган кўмир ёнида чўзилган нурга ўхшарди.

Бойлик!.. Давлат!.. Пулинг бўлса чангалда шўрва!..

Одатда одам бой бўлса, давлатини назарда тутиб, унинг номига «болохонадор» лақаблар қўшадилар. Орқасидан «сен» демай сизлаб гапирадилар. Албатта, булар ҳаммаси бойнинг ўзи эмас, давлати, кучи, қудратига оид... Аммо хотин кишини-чи? Хотин кишининг давлати бўлмайди-ку?..

Хотин кишининг давлати — ҳусни жамоли дейдилар. Шунинг учун латофат, ҳусни жамол ҳам ҳаётда давлат ҳисобига ўтаверади. Ҳатто у давлатдан бу давлат жойи келганда зўрроқ ва кучлироқ келиши мумкин...

Хотинлар ичида шундай аёллар ҳам учрайдики, уларни фақат эрлар эмас, хотинларнинг ўзлари ҳам севадилар, ҳурмат қиладилар, унинг исмини «болохонадор» лақаблар билан беаб кўрсатадилар.

Лекин бу «болохонадор» лақаблар «ой», «хон», «пошша», «ниса» ва шунга ўхшаганлар билангина чегараланади, холос. Лекин шундай аёллар борки, улар битмас прода ва шижоатлар билан тулиб-тошган, ақлзаковатда эрлардан қолишмайди, ҳатто эрларнинг қулидан келолмайдиган вазифаларни ҳам бажаришлари, йўл кўрсатишлари мумкин. Бахтга қарши мана шундай аёллар тўрт девор ичида очилмасдан, дарёдаги балиқдай ҳаётдан оқиб ўтиб кетадилар.

Мана, бизнинг Гуласал фавқулодда рўй берган бир воқеа билан «Гуласал бегим» номини олишга муяссар бўлган ва атрофга танилган эдиким, бу ҳақда биз сизга ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

* * *

Гуласал эрга теккандан кейин, орадан бир печа йил ўтди. Тўсатдан нима бўлди-ю, Гуласалнинг номини катта бир маъракада Калон муфти «Гуласалбегим» деб хутбага қўшиб кетди. Шундан кейин уни бутун шаҳар хотин-қизлари «Бегим!» «Бегим!» деб улуғлайдиган бўлиб қолдилар. Шаҳар аъёнлари меҳмондўстлик қилиб, Гуласалбегимга уйнинг тўридан жой кўрсатадиган бўлдилар, ҳатто улуғача ва эшонийимлар ҳам бу аёлнинг кавушини тўғрилаб, унга махсус илтифотлар кўрсата бошладилар.

Шаҳарнинг машҳур ном чиқарган бойлари (у чоқларда фазилат бойлик билан ўлчабларди) ва уларнинг оила аъзолари, хоним, улуғпарихон ва ачахолалар ҳам бу хотинга оғиз очиб, ҳайратомуз назар ташлар, бир-бирларига кўрсатиб бошларини қимирлатардилар. Бироқ ҳар қанча эъзоз-икром кўрсатмасинлар, хотин киши — хотин киши-да!.. Яна ўша тўрт девор ичида эрига муте!.. Хизмат қилишга, кир-чир, эрларнинг оёқларини ювишга мажбур...

Аммо Гуласал кўрсатган ботирлик бутун эшитган қулоқларни ҳайратда қолдирди, чўпчак бўлиб тилдан тилга тарқалди. Йигитлар қўйил қолдилар, аёллар ҳавас қилдилар, кампирлар дoston қилдилар... Гуласалнинг бу кўрсатган маҳоратига: «Бўлсанг, ана шундай ботир бўлсанг!..» деб ҳавас қила бошладилар.

Ана шу афсонавий воқеанинг сабабчиси мана шу тунка эрнинг ёнида ётган қийғирдай чўғор, оҳудай чаққон, ипакдай пишиқ, гўзал Гуласалбегим бўлади.

Хўш, ўзи нима гап?

Бир куни бой катта хотини Хуройим билан хизматчисини олиб, «Ҳазратим»га зиёратга жўнади. Ҳовлида Гуласал ёлғиз қолди... Кеч кирди, қоронғи тушди, лекин зиёратчилардан дарак йўқ. Шу ўртада эшик-дарвоза тақиллаб қолди. Гуласал: «Келдилар шекилли?» деганча югуриб бориб эшикни очди. Аммо эшик тагида зиёратчилар эмас, балки иккита паранжи ёпинган хотин турар эди.

Булар Гуласалдан Хуройимни сўрадилар, шундан сўнг жавоб кутмай, лип этип ўзларини ичкарига олдилар. Гуласал буларни бирон таниш-билиш бўлса керак, деб хаёл қилди.

— Хуройим келар вақт бўлиб қолди!— деди-да, уларни ичкарига таклиф қилди:— Қани уйга киришлар!

Меҳмонлар Гуласалнинг олдига тушиб, сағал бесўнақай қадам ташлаб ичкарига йўл олдилар... Гуласалнинг кўнгли ғаш эди, нимагадир юраги ҳовлиқди, бемаҳал келган меҳмонлардан ташвишда эди.

Оқшом чачвонидан қоронғи сочган, бутун атроф қора кийимга ўралган. Гуласалнинг уйдан бошқа уйларида чироқ йўқ. Меҳмонларнинг қўпол ҳаракатлари, бесўнақай ўтиришлари келинчакнинг ташвиши устига ташвиш қўша бошлади... Меҳмонлар ҳовлида Гуласалдан бошқа ҳеч ким йўқлигига қанбат ҳосил қилганларидан кейин ўзларини эркин сезиб, ҳиринг-ҳиринг қила бошладилар.

Гуласал овқат сузишга мажбур бўлди. Меҳмонлар камгап, юзларини ярим ўраган, зимдан уй жиҳозларига зеҳн солмоқдалар. Гўё бировга мунтазир бўлгандай кўча тарафга қулоқ солишар, бир-бирларига қараб бош қимирлатардилар.

Қўлга сув қуйиш учун Гуласал чилпочин келтирди, бир оз эгилиб меҳмонларнинг қўлига сув қўйди, нима бўлди-ю, бирдан мезбоннинг юраги орзиқиб кетди. Бу қўллар хотин кишининг қўли эмас эди... катта-катта, жундор, беўхшов, бесўнақай папжалар...

Шундай бўлса ҳам Гуласал билиб, ўзини билмасликка солди. Лекин меҳмонлар овқатни икки ямлаб бир ютиб бўлдилар. Одамгарчиликни бир тарафга йиғиштириб, ўзларининг ҳақиқий юзларини очиб ташладилар. Иккита қароқчи, дағдаға аралаш истеҳзо би-

лан: «Бойнинг пуллари қаерда?»— деб вағиллаб қолди. Ёнларидан ханжар олиб, даҳшат сола бошладилар.

Бу даҳшатни кўрган Гуласалнинг юраги қинидан чиқаёзди.

— Қўрқма!— деди бир кўзи кўр қора босқинчи,— хотирингни жам қил! Эринг келмайди! Сенга айтаман, келмайди! Ҳа! Ҳа! Ҳа!..— Сўнгра ўрнидан туриб, сандиққа ишора қилди:— Калит қани, оч бунини!..

* * *

Гуласалнинг уйидаги сандиқ қўш оғиз, қўш калитли сандиқлардан бўлиб бутун тахмонни эгаллаган, оғир, мустаҳкам сандиқлардан эди. Унинг қопқоғи ўткир тишлик ва ўзи ҳам салмоғлик. Бойнинг анча-мунча қимматбаҳо тошлари шу ерда турарди. Гуласалнинг ёлғиз ўзи бу сандиқни очолмас, агар лозим бўлса бойнинг ўзи ёрдамга келарди.

Ўғри сандиқ устидаги атлас, духоба кўрпаларни юмалатиб, бир нечасини ўз ерида қолдирди-да, қўрққанидан тахта бўлиб қолган Гуласалга қараб:

— Мен сенга кўрна солаётганим йўқ!.. Калит қани деяпман! Мочағар!.. Очмайсанми?.. Ёки каллангни олиб ташлайми?— деб қичқирди.

Гуласал шошиб-пишиб чўнқайди, кўрпаларнинг орасидан калит қидира бошлади, шу пайтда ўғрилардан бири Гуласалга қўл чўзди.

— Воҳ, воҳ!.. Ана хотин!..

Лекин шу он ғойибдан тушгандай, тўсатдан ўғрининг юзига шеригининг қарсиллаган тарсакиси тушиб қолди. Ўғри ножўя ҳаракатдан тўхтади, шериги кўзларини ўқрайтириб:— Ҳозир вақтими, даюс?— деб ўшқирди. Гуласал калитни кўрсатди, шапати еган ўғри тарсаки тушган юзини силаб, шеригига бир қаради-да, ҳовлига қараб отилди.

Ҳовлига чиққан ўғри ҳар тарафга аланглаб, бойнинг катта уйини тинтигани кириб кетди.

* * *

Шу вақт ичида Гуласал бир оз ўзини босиб, сандиққа калит солди. Данғиллатганча бир-икки бурди, шундан сўнг сандиқнинг оғир қопқоғини кўтаришга ҳара-

кат қилди, Гуласалнинг кучи етмаганини кўрган ўғри, унга ёрдам қилди, сандиқ оғзини даст кўтаришди. Гуласал икки қўлида сандиқни тираб турарди. Ўғри:— Пул қаерда, кўрсат! — деб калласини сандиқ ичига тикди... Гуласал боши билан сандиқ ичидаги сандиқчага ишора қилди, ўғри сандиқчани очиб, ичидан олтин тақинчоқ, тилла билагузук, шода-шода марваридларни ола бошлади. Зар-зеварлардан кейин ўғри бошқа асл тошларни ҳам чиқара бошлади. Ўғрининг калласи сандиққа гоҳ кирар, гоҳ чиқар, керак буюмларни ажратиб ташқарига иргитарди... Шу чоғда Гуласалнинг бошига ҳам минг хил хаёл кириб чиқиб турди. «Барибир энди менга кун йўқ!.. Агар тирик қолсам, бошим яна гапсўздан аримайди!.. Яна иснод, яна дакки!.. Ҳуройим бошимда ёнғоқ чақади, маҳаллада ёмон ном кўтараман, бузуққа чиқаман, бундан кўра ўлган яхши!»

Шу замон Гуласалнинг кўз олди қорайиб кетди, жаҳли чиқди, унда қандайдир бир куч пайдо бўлди, кимдир унинг юрагига далда солди, бор-е... мапа бўлмаса!..— деди-да, қопқоқни кучи борица кўтариб, зарби билан ўғрининг калласига ташлади, ўғрининг ўз ханжари билан орқасига ханжар урди ва шу замон ўзи ҳам қорни билан сандиқ устига ёпишди.

Шу ҳолда сандиқ ичидан «Воҳ!» деган бўғиқ товуш эшитилди-ю, бир-икки кўтарилиб, силкинди-да, сўнгра жим бўлиб қолди. Гуласал яна бир сандиқ устига осилиб ниқтади, шундан кейин ўрнидан кўтарилиб, осилиб қолган гавдага зەҳн солди... Сочлари тўзғиган ҳолда, қаёққа қочишни билмай, ташқарига отилди...

Ҳамма ёқ жимлик. Ҳуройимнинг уйида катта чироқ пориллаб ёниб турибди, болохона орқасидан ярқираб ой кўтарилмоқда... Узоқдан ёлғиз итнинг овози қулоққа киради... Ҳовлида пайдо бўлган Гуласални кўрган ўғрининг шериги, бир лаҳзада айвонга чиқиб, сўнгра ўзини Гуласал хонасига отди, у қайтиб чиққанда Гуласал дарвоза тагига бориб етган эди.

* * *

Дарвоза қулф... Нима қилишни билмаган Гуласал ниманоя орқали кўтарилиб, ўзини болохонага олди. Тарақ этиб болохона қопқоғини беркитди, қулф урди. Шу пайтда ўғрининг шериги ҳез қилиб хириллаганча, қўлидаги ханжар билан ҳовлини гир айлана бошлади.

Отхона олдидаги парвонга кўзи тушиб, парвонни кўтарганча болохонага қўйди-да, тепага кўтарила бошлади. Гуласал талваса ичида, болохонада у ёқдан-бу ёққа югуради... Шу ҳолда, унинг кўзи бир бурчакда ётган ойболтага тушиб қолади. Гуласал тездан болтани қўлига олиб, ўғрига بازار ташлади. Ўғри шошилиб парвондан кўтарилмоқда, унинг қўлидаги ханжар шарқдан кўтарилаётган баркаш ой ёруғида ялтирамоқда... Ўғри яқинлашиб қолди. Қўлларини устулга чўзди, кўзларида ўт ёнарди, буни кўрган Гуласал таваккалга ўтди, пойлаб бориб, қўлидаги ойболта билан қароқчинини мўлжаллаб қалласига туширди... Ўғрининг оҳ, деган овози эшитилди, гангиб шотига ёпишди, шу тобдаёқ Гуласал ўғрини парвон-парвон билан итариб юборди... Ерга юмалаб тушган ўғри, чалқанча тушиб, кучала еган итдай тиширчилай бошлади... Вақтдан фойдаланган Гуласал болохона эшигини очди, шу топда бирдан эшик тақиллаб бойнинг овози эшитилди... Аммо Гуласал ҳушидан кетиб йиқилиб қолган эди.

* * *

Дарвозани тақиллатиб чарчаган зиёратчилар қўшни томондан ошиб дарвозани очдилар, ҳушсиз Гуласални болохонадан пастга олиб тушишди. Бой қонталашиб ётган ўғрини кўриб, капалаги учди ва ўзини шу замон ичкари ҳовлига отди... У ерда ҳам битта қароқчининг сандиқда осилиб турганини кўриб хангу манг бўлиб қолди... Ақли шошди, ўзини йўқотди, ҳаммалари тўпланиб, сандиққа калла тикиб турган ўғрига дўқ қила бошладилар... Чақирдилар... Ҳақорат қилдилар... Ўғридан жавоб бўлмагандан кейин маслаҳатлашиб, орқасидан ўқ уздилар, аммо ўғри ҳам эмас, туя сандиққа осилганча, орқасини қилиб қимирламай турар эди...

Шундан кейин ҳамма баробар ўғрига яқинлашди, уни туртиб кўрдилар, урдилар, аммо ўғри бежон эди... Сандиқнинг оғзини очиб, чироқ тутиб қарадилар, ўғри қон-қушига беланиб, ҳалқумидан илинган ҳолда қимирламаздан қолган эди.

Бой воқеадан воқиф бўлди, битта эмас, икки кишининг қон-қушига беланиб ётганини кўргандан кейин, ҳукумат одамлари чақирилди. Миршаб, приставлар текшириш ишینی бошлаб юбордилар...

Ҳуройим биринчи қонни кўриши биланоқ ҳушидан

ажраган, Гуласал бўлса ҳушига келиб, ранги рўйи ўчган бир ҳолда айвондаги каравотда ястаниб жимгина қараб ётарди... Унинг атрофида хизматчилар парвона бўлиб хизмат қилардилар... Бой ўтирган ҳолда бошини ушлаб:

— Тўхта! Шунча ишнинг ҳаммасини Гуласалнинг ўзи қилдими? Бу аёл одамми, шайтонми? Бу ажойиб ҳангомани қандай қилиб элга билдириш керак?..— Бой мана шуларни уйларди... Бой бутун бўлган воқеани тўла-тўқис халойиққа билдиришни лозим кўрди.

Ана шундан кейин бир печа вақтлар ўтиб, катта масжидда Гуласални Калон муфти «Гуласалбегим» деб тилга олганлиги ҳақида хабар тарқалди.

БОЁНЛАР ҚИССАСИ

Саратон. Қуёш атрофга ипак гиламларини тўшаб ташлаган бир пайт. Наманган станцияси гавжум. Бугун шаҳар бойларидан Баззоз ҳожи иккинчи бор Маккатил-лога сафар қилмоқда. Шунинг учун ёру биродарлар, аёну мамлакат бу зотни Арофат тоғига кузатиш та-раддудига тушиб қолганлар.

Гулшодбегим маҳлиқодай бир аёл, қўш ғажакла-ри билан доғ қозонган... Бутун шаҳар хотин-қизлари униг оқ шафтолидай ҳусни жамолига ҳавас қилади.

Мана, бугун турли-туман паранжи ёпинган хотин-қизлар, станцияга сочилган лолақизғалдоқдай гужгон урмоқдалар. Улар аслида Баззоз ҳожини кузатишдан кўра, одам танлаш, йигит кўриш, ёр ёқтириш пайида!..

Гулшодхоним бўлса атрофларидаги холимлар, бе-качлар, эшонийимлар билан қий-чув қилишар, Баззоз ҳожидай муътабар зотдан айрилиб қолаётганига дод-фар-ёд кутарарди.

Бу ерда ҳозир бўлган уламо, фузало ва уларнинг пешқадам намояндалари бўлса, Гулшодхонимга тасал-ли бериб юпатишга, «Бу қадар художўйлик сиз каби фаришталарга хос!.. Раҳмат! Минг раҳмат!»— деб сўз ичиди ўзларининг доим Гулшодхон «хизматларига» тайёр эканликларини қистириб кетардилар.

Гулшодхон қочиб-қочмай, тўғри келган кишига иш буюрар, бировларни сўкар ва бировларни ўз олдидан ҳайдаб соларди. Ўз навбатида гумашта Мипродил ҳам «жонини жабборга» бериб, бой ҳазратларини осмонга кўтариб мақтар, оёқларини ўпишга қадар тайёр бўлиб хизмат кўрсатарди...

Шундоқ бир пайтда инидан қўзғалган аридай ғувла-лаган халойиқ ичидан 13 — 14 ёшлардаги чуваккина бир бола станциядаги ҳашаматли чойхона олдида пайдо бўлиб қолди. Аланг-жаланг атрофга қараб, Баззоз ҳо-

жига кўз қадади, сарпойчан оёқларини кўкатларга, оғзи-бурнини енгил билан артди-да, тўдани ёриб олдинга ўтди.

Вақт пешин бўлганидан Баззоз ҳожи таҳорат учун сув талаб қилиб қолди. Қўл қовуштирган беҳисоб мулозимлар: «Сув!.. Сув!..» — дедилар, вақтдан фойдаланган ҳалиги бола отилиб чиқди-да, югуриб бориб мис қумғонни қўлга олди. Кўз очиб-юмгунча муздай сув келтириб, бой ҳазратларининг қўлига тутди.

Бу боланинг ўзбошимчилигини қандай баҳолашни билмай турган мулозимлар, бой отанинг: «Майли!.. Майли!» деган ишорасини кўриб, таққа тўхтадилар. Бой мустаҳаб қилиб, таҳоратга ўтди, яна ҳалиги бола ҳозиржавоблик билан ҳазратнинг қўлларига сув қуйиб беришга шошилди. Бойнинг гумаштаси Миродил қумғонни унинг қўлидан юлиб, ўзи сув қуймоқчи бўлди. Бой бува Миродилга, «Ҳожати йўқ» дегандай, ўша боланинг хизматини афзалроқ кўриб қолди.

— Бу кимнинг боласи?

Миродил «билмадим», деган ишорани қилди.

Баззоз ҳожи, артилиб турган сочиқни гумаштага топшираркан, болани ўз ёнига чақирди. Дафъатан бола бу марҳамат кимга онд эканлигини тушуна олмай орқага қаради. Шу чоқ гумашта унинг қўлидан қумғонни олиб, билагидан ушлади.

— Қани, бу ёққа юр!

— Қўйворинг!.. — Бола гумаштанинг юзига қараб, унинг кўзида ғазаб эмас, марҳамат порлаётганини кўрди.

— Юра қол, қўрқма!..

Булар Баззоз ҳожининг ҳузурига келганда, бой уларни кузатиб турарди.

— Ўғлим, сен кимнинг боласисан? — мулоимлик билан сўради бой.

Бола ўзини ростлаб:

— Марайим сўфининг! — деди.

— Исминг нима?

— Саллоҳ!..

— Саломиддин?

Бой ота боладан кўз узмай бош қимирлатди, уни ёнига олиб бошини силади, етаклаб бориб ўтиришга жой кўрсатди. Атрофдагилар бу таважжуҳнинг сабабини тушунолмай, унинг олдига чой-нон қўйдилар, ўзаро илтиралашиб ишнинг охирини кутдилар.

Бой кимгадир топшириқ берди, у ўз навбатида «хўп» деб ғизиллаб қолди, бир оз вақт утар-ўтмай, бой олдига

бир неча одамлар тўпландилар, бола ҳақида билганларини тўкиб-солдилар.

Ҳақиқатан боланинг исми Салоҳ, шумлиги ва шўхлиги учун уни «Саллоҳ» деб атар эдилар. Бугун станцияга чиқишининг сабаби ҳам ўз тарихига эга... Ёш бўлса ҳам бебошликда кўзга кўринарли анча ишлар қилган, маҳаллада кампирларни қақшатиб, кўпгина туйнуқлардан тушган бир тирранча бу.

Салоҳнинг отаси, онаси ҳам вафот этган. Боланинг онаси маҳаллада «кўйлакчан» номи билан машҳур бўлиб қишин-ёзин ҳар кимларникида кир ювар, қўл учида Салоҳни боқиб катта қилди. Кампир ўтган йили зотилжам касали билан вафот қилди. Энди Салоҳ ўзига-ўзи хўжайин, эски кулбаси бўлса ҳам, тирикчилигининг тайини йўқ... Ҳали ёш, шунинг учун бебош... Кимга бундай бола ёқади дейсиз?..

Аммо у энчил, ёшлигидан бошига тирикчилик ғами тушиб, етимлик «қозонида пишган», анчагина қовурилган. Бугун ҳам маҳаллада Чилонкампирнинг товугини ўғирлаб, пок бўлмаса қўлга тушаёзган, кампирнинг ўғилларидан қочиб, Фарғонадаги амма-холалариникига шабохун ураётган эди...

Ҳозир Баззоз ҳожига берилган ахборотда масаланинг фақат бир тарафи ёритилиб, пкинчи қисми ёпиғлиқ қолиб кетди. Зотан боланинг қип-қизил етимлиги ва унинг орқасидан чиқадиган даъвогарининг йўқлиги бой ота учун айни муддао эди.

Шунинг учун ҳам бой хурсанд бўлиб кетди:

— Анча чаққон, зийрак кўринади. Менга шундай битта югурдак керак-да! А, нима дейсиз?

— Ҳа, ҳа! Ўжуда боп! Бундан тузуги топилмайди, тақсир!— дедилар.

— Ўғлим, ҳамма гапдан хабарим бор,— деди бой Салоҳга. — Даданг кўп яхши одам эди, раҳматлик!.. Бувинг ҳам меҳнаткаш, бир муштипар эди. Ўзинг ёлғиз экансан, мен билан Маккатиллога кет, хизматимни қилиб, фотиҳамни ол!..

Муғамбир Салоҳни, аввало, бой ота айтган Маккатиллонинг маккаси эмас, «тиллоси» қизиқтирди, шунинг учун ҳам бу таклиф ёғдай ёқди-да, тилла тўплаш хаёлига тушиб кетди. Атрофда ўтирган нуроний чоллар, мўйсафид оқсоқоллар Баззоз ҳожининг сўзини маъқуллаб, насиҳатга ўтдилар.

— Бой бобони қаттиқ ушла! Айтганларини қил!.. Отанг кўрмаган жойларни кўриб келасан.

Ўтирганлар ичидан Салоҳни танийдиганлар чиқиб қолди, улар ҳам кўз қисиб, бу «Ўлжа»ни қўлдан берма, дегандай ишора қила бошладилар.

— Чангали Мозандарон ўша ёқда! Ажойибот, ғаройиботларни кўрасан! Турли-туман парранда-даррандалар, филдан тортиб, тимсоҳга қадар, маймундан тортиб, тўтиларга қадар ўша ёқда!..

Салоҳ ичида хурсанд бўлса ҳам, бир оз ўйланган бўлди. Оч-яланғочлик жонига теккан... текин овқат, маккаси ҳам, тиллоси ҳам бор!..

Салоҳ ўзини йўқотиб қўяёзди. Бой отага қараб розилигини билдирди, унинг кўзига Баззоз ҳожи ўз отасидай яқин ва ғамхўр кўришиб кетди. Бориб бўйнидан қучоқлаб олгиси, осилиб йиғлагиси, товуқ ўғирлаганига қадар айтиб бергиси келиб қолди...

Салоҳга янги камзул, кавуш-маҳси кийгиздилар, айниқса янги тус дўппи билан қийиқчага осилган дандон сопли пичоқ уни бениҳоя хурсанд қилиб юборди. У пичоқни ушлаб кулар, ирғитилган эски кийимларни қайси томга ташлаганини эсда сақлаб қолиш учун белгилар ашиқлар эди.

Ҳамма бой отанинг бу марҳаматини зўр олижанобликка йўйди. Бойнинг гумаштаси Мировилгина ранжигандай эди.

Қуёш бота бошлаган. Айни кун дим бўлган бир пайтда поездга қўнғироқ урилди, яна қиёмат қўпгандай йиғисини, карнаю сурнай бошланди. Мировил бой бувани қўлтиқлаб, поезд томон юрди. Ҳожи поездга ўтириши билан учинчи қўнғироқ чалишиб, паровоз чинқириб юборди.

Қий-чув товушлар кўтарилди, шовқин-суронларнинг бари поезд кетиши билан жим бўлди-ю, ҳаммаёқ сув сепгандай тинди-қолди.

* * *

Шундан бери кўп йиллар ўтди, бизнинг Салоҳ шу ажойиб тарихдан кейин дом-дараксиз йўқолиб кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Баззоз ҳожининг Арофат тоғида вафот этгани ва у зотнинг ҳажлари ижобат бўлгани ҳақида хабарлар келди. Ғамхўр ва жигаргўша Мировил бутун шаҳарга маърака тортди, аза ва йилларини ўтказди, маҳалла-қўй ва бутун шаҳар Мировилнинг оқибати-га офарин уқиди, уламо ва фузалолар маъракаларда Мировилнинг номини ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолдилар...

Шаҳар ҳокимлари ва қозикалонлар ҳам Миродилнинг тадбирли ва оқил бир шахс эканлигини эътироф қилиб, унинг бутун талаб ва тадбирларини тўғри топдилар... Гулшодхоним туладан келган, ўрта бўйли, қора қош Миродилни «шавҳарим» деб эълон қилди, мана, ҳақиқат ўз жойини топди, деб одамлар бу тадбирга таҳсин дедилар.

Етимча Салоҳ ҳақида эса ҳеч ким ўйламади.

Катта дарахт йиқилганда майда шохлар учиб туради. Салоҳ ҳам катта дарахтдан учган шохдай эди. Йиллар ўтди, Баззоз ҳожи ҳам, Салоҳ ҳам барчанинг хаёлидан унутилди. Аммо каппонда ўша шовқин-сурон, темирчиликда ўша тарақ-туруқ. Янгинариқ суви аввалгидай бир қолипда оққани оққан эди.

Кунлардан бир кун, шаҳарнинг обод кўчаларида новчадан келган, ҳожи дўппилик бир дарвеш пайдо бўлиб қолди. У, аввал Сардобада, сўнгра баззозликда кўринди. Кўчама-кўча кезган бу дарвеш одамларнинг диққатини ўзига торта бошлади. У маҳаллама-маҳалла кимнидир қидирар, кимларгадир мурожат қилар ва нималарнидир апиқламоқчи бўларди.

Дарвеш расталарни кезиб, катта кўчага ўтди, шаҳарнинг энг обод гузарларидан бирида тўхтади. Кечки пайт эди. У масжид рўпарасидаги дарвозани тақиллатди. Хизматчилар дарвоза тагида турган бу ажойиб қиёфани таниёлмай, ҳожи дўппи кийган бу дарвеш ҳақида бойга хабар бердилар.

Баззоз ҳожининг вафотидан кейин бойининг бутун мол-мулкни ўз тасарруфига олган Миродил чинор дарахтидай илдиз отган, шаҳарда қозикалонлар ҳам, бу макорнинг қилиш-қилмишларига ҳайрат бармоқларини тишлаб қолган эдилар. Ҳатто Миродилни ардоқлаб:

Миродил пошшо бўлса
Ҳар ким севгонин олса,—

деб ашулалар тарқатдилар. Унинг уддабуронлиги мақталди, дoston бўлди, ёмонликка эмас, яхшиликка йўйилди.

Гулшодхоним эса ичкарида, аммо бутун иши ташқарида!.. Уйдан туриб савдо-сотик, ер-сув ва бутун раҳбарлик ишларини ўзи бошқаради, ундан гумашталар, хизматчилар Азроилдан кўрққандай кўрқадилар. Ҳисоб-китоб, тамоми кирим-чиқим бу аёлга унинг биллур узуклар